

Учкўргон туман хокимлиги хузуридаги
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан
ўтказиш инспекциясининг 2014 йил
25 декабрдаги 304-сонли
Давлат ресстри билан рўйхатга олинди



RO'YXATDAN
O'TKAZILGAN

«Учкўргон дон маҳсулотлари» Акциядорлик
жамиятини навбатдан танқари, умумий
йигилишининг 2014 йил 29 ноябрдаги
2-сонли йиғилиш қарори.



“Учкўргон дон маҳсулотлари”
акциядорлик жамиятини
янги таҳрирдаги

НИЗОМИ

Учкўргон шаҳар – 2014 йил

I. Умумий коидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 31 мартдаги № 008075 сонли буйруғига асосан ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Наманган вилоят бошқармасининг 1995 йил 20 мартдаги № 84-к ПО буйруғи билан “Учқўргон дон маҳсулотлари” очик акциядорлик жамияти деб рўйхатга олинган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон).ўз Низоми ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: “Ucnqo'rg'on don mansulotlari”aksiyadorlik jamiyati (матн давомида-Жамият деб юритилади)

Рус тилида: -Акционерное общество «Учқурган дон маҳсулотлари»

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида:- “Ucnqo'rg'on don mansulotlari”AJ

Рус тилида:- АО “Учқурган дон маҳсулотлари”

1.5.Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси.Наманган вилояти. Учқўргон шаҳри.П.Турсун кучаси №1-уй.Индекс 160900

1.6.Жамиятнинг электрон почта манзили: ucnkurgan DM @ mail. ru

1.7. Жамиятнинг расмий веб сайти: _____

II. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсади

2.1. Жамият тижорат ташкилоти булиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олиш.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- Ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, мулкчилик шаклидан катъий назар ҳужалик юритувчи субъектларга ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш.

- Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналарига тугридан тугри шартнома асосида , мулкчилик шаклидан катъий назар улгуржи ва чакана савдо корхоналарига товар хом-ашё биржаси орқали сотишни амалга ошириш.

- Омухта ем ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган омухта емларни товар хом-ашё биржаси орқали мулкчилигидан катъий назар барча истеъмолчиларга ҳамда узининг савдо нукталари (фирма дуконлари)да сотишни ташкил этиш.

- Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва фирма дўконлари орқали аҳолига ҳамда мулкчилигидан катъий назар фирма, компания ва ҳужалик ташкилотларига нақд пулга ва пул утказиш орқали сотишни ташкил этиш.

- Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни биржа ва тугридан тугри шартнома асосида тулов қобилиятига эга булган мулкчилик шаклидан катъий назар ҳужалик юритувчи субъектларга пул утказиш орқали, узининг савдо нукталари орқали нақд пулга сотиш.

- Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларидан ҳимоя қилиш мақсадида биомаҳсулотлар ишлаб чиқариш ва биомаҳсулотларни қонунда белгиланган тартибларда

кишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларга пул утказиш орқали сотишни амалга ошириш ва ҳақозо.

- Қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари ва аҳоли шахсий том орқаларида етиштирилган дон маҳсулотларини қайта ишлаб бериш (давальческий) ва саклаб бериш хизматларини кўрсатиш.

- Ғалла экинлари донидан уруглик дон тайёрлаш ва экиш учун фермер ва шахсий том орқа хўжаликларига уруглик дон сифатида етказиб беришни ташкил этиш ва сотиш.

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, қайта ишлаш, саклаш, кадоклаш ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

- Чорвачилик ва паррандачилик, богдорчилик фаолияти билан шугулланиш ҳамда чорва парранда ва богдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш.

- Аҳолига пуллик хизмат курсатиш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ҳамкорликни ривожлантириш. Ҳамда тижорат воситачилик хизматларини амалга ошириш.

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан маън этилмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланиш.

2.3. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолият турлари белгиланган тартибда лицензия олингандан сўнг амалга оширилади.

III. Жамият Устав капиталининг миқдори.

3.1. Жамиятнинг устав капитали-жамият акциядорлари олган номинал қиймати 500 сўмлик булган қимматли қоғозлардан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 685 907 000 сўм ёки 1 371 814 дона номинал қиймати 500 сўм булган эгаси ёзилган оддий нақдсиз ва 350 дона эгаси ёзилган имтиёзли нақдсиз 175 000 сўмлик акциялардан иборат.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш.

3.3. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилади.

3.4. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда чиқарилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори – номинал қиймати 500 сўм бўлган 2 000 000 дона эгаси ёзилган оддий акциядан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирадиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, Усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, Акциялар учун тулов тартиби, амалга оширмаган деб топиш усули ва амалга оширмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тулов воситаларини қамайтириш тартиби белгиланади.

3.7. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капитални камайтириш.

3.10. Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Агар устав капитални камайтириш натижасида унинг миқдори конун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан камайиб кетса, жамият устав капитални камайтиришга ҳақли эмас.

3.12. Устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. Жамият акцияларининг турлари ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби.

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг катъий 20 фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акция эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлови қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сони ва турига қараб муносиб равишда тақсимланади.

4.8. Жамият молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ой натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамият молиявий йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.9. Жамият акцияларни ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивидендлар миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий йил ҳисоботининг ишончлилиги ҳақидаги ташқи аудиторлик ташкилотини аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланган ва тугалланган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддатлари ва тартиблари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади, дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

4.11. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича катъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда

жамият мазкур акция эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

4.12 Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

4.13. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезиденд акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айрибошланадиган валютага айрибошлаб, маблағларини норезиденд акциядор тақдим этган банк ҳисоб варағига ўтказиб бериши шарт.

4.14. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олишга ҳақли.

4.15. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан чиққан ҳолда пеня ҳисоблаб ёзилади.

4.16. Йиллик дивидендларни тўлаш, дивиденд миқдори ва тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгаши тавсиясига кўра акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Йиллик дивидендлар миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этган миқдордан катта бўлиши мумкин эмас, шу билан бирга, ушбу дивидендлар миқдори тўланган оралик дивидендлар миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

V. Жамиятнинг захира жамғармаси

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акциялари қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди шакллантирилади.

5.4. Жамият захира жамғармасига ушбу низомнинг 5.3 бандида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорда ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира жамғармаси тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда, Мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. Жамият бошқарувининг тузилмаси

6.1. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши.

6.2. Жамият кузатув кенгаши.

6.3. Жамият ижроия органи (Директор).

1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши.

6.1.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг энг юкори бошқарув органидир

6.1.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий йиғилиши молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса жамият кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

6.1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:

- Жамиятни қайта ташкил этиш.
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш.
- Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш. Уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин, илгари тугатиш.
- Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
- Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш.
- Жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтириш.
- Ўз акцияларини олиш.
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан олдин илгари тугатиш.
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни (устави) тасдиқлаш.
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес режасини жамият кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб маъқулангандан сўнг тасдиқлаш.
- Жамиятнинг фойда ва зарарларини таксимлаш.
- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш.
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- Қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш.
- Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш.
- Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш.
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини белгилаб тасдиқлаш.

- Акцияларни йириклаштириш ва майдалаштириш.
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки)компенсацияларни,шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш.

-Қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

-Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

6.1.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якуналари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

6.1.5. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

2. Жамият Кузатув кенгаши

6.2.1. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатига таалуқли масалалар бундан мустасно.

6.2.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзолари сони 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлади.

6.2.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради.

- Жамият фаолиятининг устивор йуналишларини белгилаш.
- Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

- Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш.

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш.

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш.

- Жамият уставига узгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш.

- Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш.

- Жамиятнинг йиллик бизнес режасини маъқуллаш,бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланаётган бизнес режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг I декабридан кеч қолдирмай маъқулланиши лозим.

- Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш,шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш.

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органдан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш мумкин.

- Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида,мустақил аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўладиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш.

- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш.

- Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш.

- Жамият захира фондидан ва бошқа ташкил этилган фондлардан фойдаланиш.

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарни очиш.

- Жамиятнинг шуъба ва тобе жамиятларини ташкил этиш.
- Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласини қабул қилиб тасдиқлаш.
- Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартишлар (ёки) қўшимчалар киритиш.
- Қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тўғрисида қарор қабул қилиш.
- Директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.
- Жамият Директори(бошқарув раиси)нинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш.
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

6.2.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришига ёки уларни икки ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

6.2.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

6.2.6. Жамият кузатув кенгаши раиси унинг ишини ташкил этади. Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади. мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

6.2.7. Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

6.2.8. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва уларда раислик қилади. Заруратга кўра жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

6.2.9. Жамият кузатув кенгашининг қарори кузатув кенгашига сайланган аъзоларининг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисларида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

6.2.10. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низом асосида фаолият олиб боради.

3. Жамиятнинг ижроия органи

6.3.1. Жамиятнинг қундалиқ фаолиятига раҳбарлик яқкабошчилик асосидаги Ижроия органи-Директор томонидан амалга оширилади.

6.3.2. Директор жамиятнинг қундалиқ фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

6.3.3. Директор Акциядорлар умумий йигилишига ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

6.3.4. Директор Акциядорлар умумий йигилиши томонидан сайланади (таъинланади).

6.3.5. Директорга туланидиган ҳақ миқдори Жамият самарадорлигига тугридан тугри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

6.3.6. Директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради. Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

6.3.7. Директор акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

6.3.8. Жамият Директорини ваколатларига куйидагилар киради:

- Мазкур устав, акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларига мувофиқ, жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш.

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш.

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхоналарини раҳбарини таъинлаш.

- Жамият қошида очилган корхоналарни ва жамиятни штат бирилиги жадвалини тасдиқлаш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий чораларни қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш.

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш.

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш, ижросини таъминлаш ва кўрсатмалар бериш.

- Уз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш.

- Акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш.

- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг ташкил этиш, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга уз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш.

- Амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

6.3.9. Директорнинг ҳуқуқлари:

- Жамият номидан ишончномаларсиз иш юритади ва жамият фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалаларни мустақил равишда ҳал этиш.

- Жамоа музокараларида жамият номидан жамият манфатларини кўзлаб иш юритиш.

- Жамият ички тартиб қоидаларини мустақил ишлаб чиқиш.

- Жамиятнинг структураси (тузилмаси)ни тузиш.

- Жамият фаолиятини юритиш учун штатлар жадвалини тузиб тасдиқлаш.

- Жамоа аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномаларини имзолаш ва уларни бекор қилиш.

- Жамият фаолиятини юритиш учун бухгалтерия (ҳисобхона)сини ташкил этиш унинг устидан бевосита раҳбарлик қилиш.

- Уз ваколати доирасида жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқларни чиқариш ва унинг назорати устидан кўрсатмалар бериш.

- Жамият номидан жамиятга мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан жамият манфатларини кўзлаган ҳолда шартномаларни имзолаш.

- Жамият ишчи ва ходимларини иш фаолиятлари юзасидан рағбатлантириб бориш.

- Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизоми қоидалари бузилган ҳолларда уларга нисбатан интизомий чоралар қўллаш.

6.3.10. Директорнинг мажбуриятлари:

- У уз ваколати доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил этиш.

- Акциядорлар умумий йиғилишига йиғилиш томонидан қабул қилинган йиллик бизнес режани бажарилиши тўғрисида йилда бир марта ҳисобот бериш ва жамият кузатув кенгашига жорий йилнинг ҳар чорагида қилинган ишлар бизнес режани чорақлар бўйича бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни бериб бориш.

- Жамиятнинг ривожлантириш дастурлари ва бизнес режалар ишлаб чиқишга бевосита раҳбарлик қилади.

- Ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда жамият акциядорларига тегадиган дивиденд миқдорларини ошириш учун керак бўладиган соф фойда миқдорларини кўпайтиришни таъминлаш.

- Жамият фаолиятини юритишда амалдаги Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонун ва қонун ости ҳужжатларига тўла риоя қилишни таъмин этиш.

- Жамиятда бухгалтерия (ҳисобхона) ҳисоби ва ҳисоботлари тузишни ташкил этилишини унинг амалдаги бухгалтерия тўғрисидаги қонунга мослиги, ишончлилигини таъмин этиш шунингдек тузилган ҳисобот ва маълумотларни керакли бўлган жойларга ўз вақтида етказишни, жамият акциядорларига талаб қилинган маълумот ва ҳисоботларини тақдим этишни таъмин этиш.

- Жамият тафтиш комиссияси ва жамият ички аудиторининг талабига кўра молия хўжалик фаолияти юзасидан амалга оширилган ҳужжатларни ҳеч қандай тўсиқсиз тақдим этиш.

- Давлат статистика органларига тузилган ҳисоботларни ишончлилигини таъминлаган ҳолатда ўз вақтида тақдим этилишини таъмин этиш.

- Хизмат ёки тижорат сирини ҳисобланган ахборотнинг жамият ходимлари томонидан тўлиқ сақланишини таъминлаш.

- Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи мажлисларини ўтказилишини ташкил этиш. Жамият номидан ҳужжатларни, ва ижро этувчи орган йиғилишлари баённомаларини имзолаш.

- Акциядорлик жамиятини малакали кадрлар билан таъминлаш.

- Тайёрланган ходимларнинг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан яхшироқ фойдаланиш чора тadbирларини ташкил этиш.

- Жамиятда меҳнат ва технология интизоми сақланишига риоя этишни ташкил этиш.

- Жамиятда меҳнат муҳофазаси қонун ва қоидаларига риоя этилишини таъмин этишни ташкил этиш.

- Жамиятда жамоа аъзолари уртасида ўтказиладиган йиғилишларда уларни таъмин этишни ташкил этиш.

- Жамоа шартномалари ва битимларни тузишда иш берувчи сифатида иш кўриш.

- Жамоа шартномаларида қабул қилинган барча мажбуриятларни сўзсиз бажарилишини таъмин этиш.

6.3.11. Директор уз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

6.3.12. Директор қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

6.3.13. Директор мазкур низом ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

VII. Миноритар акциядорлар кўмитаси

7.1 Жамиятда миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамият акциядорлари орасидан миноритар акциядорлар кўмитаси ташкил этилади. Миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари кўрсатилмаган акциядорлар қатнашади.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларини сони 9 кишидан иборат.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доираси қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш.

- миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган муножатларни кўриб чиқиш.

- Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиш тўғрисида муножатлар киритиш.

- Қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

- Миноритар акциядорлар кўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар кўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

- Миноритар акциядорлар кўмитаси қабул қилган қарорлари тўғрисида ҳар йили акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот беради.

- Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

- Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

- Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият курсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

- Миноритар акциядорлар кўмитаси жамиятнинг молия хужалик фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

- Миноритар акциядорлар кўмитаси фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йул қуйилмайди.

VIII. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш

1. Тафтиш комиссияси

8.1 Жамиятнинг молия хужалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади (тайинланади).

8.2 Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзолигига кетма кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

8.3 Жамият тафтиш комиссияси таркиби 3 (уч) кишидан иборат бўлади.

8.4. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг узида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаши мумкин эмас.

8.5. Янгидан сайланган тафтиш комиссияси узини фаолиятини юритиш учун йиллик режасини тузади ва шу асосда фаолият олиб боради.

8.6. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кура жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия хужалик фаолияти тугрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига такдим этишлари шарт.

- Жамиятнинг молия-хужалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг жамият кузатув кенгашининг, жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5(беш)фоизга эгаллик қилувчи акциядорларнинг талабига кура жамият кузатув кенгашини хабардор қилиш йули билан бир йиллик ёки бошқа даврлар ичидаги фаолият яқунлари буйича амалга оширилади.

- Жамиятнинг молия-хужалик фаолиятини текшириш яқунларига кура жамият тафтиш комиссияси ҳулосасини тузади ва кузатув кенгашига қуриб чиқиш учун такдим этади.

- Жамиятнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий хужжатларида курсатилган маълумотларни ишончлилигини текшириб боради.

- Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, қонун ости хужжатлари ва Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида юритилганлигини назорат қилиб боради.

- Жамиятда молиявий ҳисоботларни такдим этиш тартибларини бузилганлиги шунингдек молия хужалик фаолиятини амалга оширишда қонун хужжатлари фактлари бузилганлиги тугрисидаги ахборот курсатилиши шарт.

2. Жамиятнинг ички аудит хизмати

8.2.1. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш хақи миқдорининг 100 000 (юз минг) баробаридан қўп бўлганлиги сабабли жамият ички аудит хизмати ташкил этилади.

8.2.2. Жамият ички аудит хизмати уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ жамиятда ички аудит тугрисидаги «Низом»га асосан фаолиятини амалга оширади.

8.2.3. Жамият ички аудитори, керакли бўлган малака сертификати эга бўлган, олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, иқтисодий вазифаларда камида уч йил ишлаган ходим бўлишлиги талаб этилади.

8.2.4. Жамият ички аудит хизмати кузатув кенгашига қилинган ишлар тугрисида ҳар чорак ва йил яқуни буйича ҳисобот бериб боради.

8.2.5. Жамият ички аудити қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Ички аудит жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан конун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини.
- Бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тулик ҳамда ишончли аке эттирилишини таъминланишини.
- Жамиятда молия хужалик операцияларини амалга оширилишининг белгиланган конун ва коидалари, тартиб-тамоилларига риоя этилишини.
- Жамият мавжуд активларини сакланишини.
- Жамиятда бошқариш юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш мониторинг қилиш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналарини фаолияти назорат қилади ва баҳолайди.
- Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини. Қонунда узгача коидалар назарда тутилмаган булса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

IX. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари.

Жамият акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Ушбу жамият акциядорларининг реестрига киритилиш.
2. Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийдаги депо ҳисоб варагидан ўзига тааллуқли кўчирмани олиш.
3. Жамият соф фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш.
4. Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш.
5. Жамият акциядорларининг умумий йигилишиларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш.
6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни белгиланган тартибда олиш.
7. Жамиятдан олган дивидендларни эркин тасарруф этиш.
8. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
9. Акциядор ўзига етказилган зарарларнинг ўрни копланишини белгиланган тартибларда талаб қилиш.
10. Ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш.
11. Қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ булган таваккалчиликларни сугурта қилиш ҳуқуқига эга.
12. Жамият акциядорлари конун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.
13. Жамият акциядорлари томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва конун билан кўрикланадиган манфаатларини бузилмаслиги лозим.
14. Акцияларни бошқа шахсларга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорларни мазкур акция эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Жамият жами акциялари оддий ва имтиёзли акция эгаларига булинган булиб қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Жамият оддий акцияларининг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқлари ушбу Қонунга ва жамият низомига мувофиқ акциядорларнинг умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан

иштирок этиши мумкин. шунингдек дивидендлар олиш. жамият тугатилган тақдирда ҳақузларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол мулкани бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

б) Жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади. Имтиёзли акция эгалари Қонунда ва жамият низомида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Имтиёзли акция эгаларига дивидендлар тўлаш Қонунда белгиланган миқдорларда амалга оширилади. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акция эгаларига тўланадиган дивидендлар миқдори ва қиймати (туғатилиш қиймати) акциялар номинал қийматига нисбатан 10 (ўн) фоиз ёки қатъий пул кўринишида белгиланади. Жамият имтиёзли акция эгаларига акциялар бўйича тўланмаган ёки тулик тўланмаган дивидендларни жамғариб бориш муддати 3 (уч) йил этиб белгиланади. Имтиёзли акцияларнинг оддий акцияларга айирбошлаш мумкин эмас. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамият акциядорларининг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал қилинаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади.

Х. Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ўтиши.

Жамият акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг деп о ҳисоб сарағига тегишли ўзгартиш кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисоб сарағи билан тасдиқланади. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

ХІ. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари.

Жамият қонун ҳужжатларига ва ўз низомига мувофиқ корпоратив облигацияларини ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда уларни жойлаштиришга ҳақли. Корпоратив облигациялар жамият акцияларига айирбошлаланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият мол мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали доирасида чиқаришга ҳақли.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига ва жамият кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади. Жамият кузатув кенгаши қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда мазкур қарор жамият кузатув кенгаши аъзоларининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши шарт.

Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари мол мулк шунингдек пулда ифодаланадиган боҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этишда унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида ёки жамият низомида кўшимча акциялар ва бошқа қиммат баҳо қоғозларга ҳақ тулаш эса уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади. Кўшимча акцияларга ушбу акцияларнинг чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим. Кўшимча акциялар ҳақини тулаш мажбуриятини уз вақтида тўламаганлиги учун

чиқарилаётган акция қийматидан 0.02 фоиз неустойка (жарима пеня) ундириш мумкин. Акцияларга тўланадиган ҳақ сифатида киритилаётган мол мулкнинг пулда шифодаланган баҳоси муассислар ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилади ва уларни баҳолаш мол мулкни баҳоловчи ташкилотлар орқали амалга оширилади. Қабул қилинадиган мол мулк турларига чекловлар қўйилиши мумкин.

ХП. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш нархи ҳамда олиш.

12.1. Жамият томонидан акцияларнинг дастлабки чиқарилишини жойлаштириш муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

12.2. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати уларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтган санадан сўнг бир йил.

12.3. Шу кўрсатилган муддатларда жойлаштирилмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

12.4. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усули очик обуна воситасида жойлаштирилади. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда ўтказилади.

12.5. Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида 30 (ўттиз) фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

12.6. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

12.7. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгаши қарорига кўра олишга ҳақли. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олиннадиган акцияларни тури, жамият оладиган ҳар бир турдаги акциялар сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатга олиниши белгилаб қўйилади. Бу муддат 10 (ўн) кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади. Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларни эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли. Жамият эса уларни олиши шарт. Акциялар олиннадиган муддат бошланишига кечи билан 10 (ўн) кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Иштиёзли акцияларни олиш акция номинал қийматида амалга оширилади. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивиденд ҳисобланмайди. Кейинчалик қайта сотиш

максалида жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йил муддатдан кечиктирмай реализация қилиниши керак. акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилинади. Жамият томонидан ўз акцияларини олдиниши мустақил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал широкчилари орқали амалга оширади.

XIII. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари.

13.1. Жамият ўз филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

13.2. Филиал жамиятнинг жамият жойлашган еридан ташқарида жойлашган ҳолда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонасини вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

13.3. Ваколатхона жамиятнинг жамият жойлашган еридан ташқарида жойлашган унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган бўлинмасидир.

13.4. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс ҳисобланмайди. Улар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият олиб боради. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонасига бериб қўйилган мол-мулк асосий жамият балансида туради.

13.5. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

13.6. Филиал ва ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган жамият зиммасида бўлади.

13.7. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарисида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоидалар тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган еридаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

XIV. Жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятлари

14.1. Жамият акциядорлик жамияти ёки маъсулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятлари очишга ҳақли.

14.2. Шўъба ҳўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

14.3. Шўъба ҳўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган асосий жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба ҳўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба ҳўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба ҳўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқи фақат шўъба ҳўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўъба ҳўжалик жамиятининг уставида назарда тутилган тақдирда асосий жамият бундай ҳуқуқга эга деб ҳисобланади.

14.4. Шўъба ҳўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан банкрот (инқироз) бўлган тақдирда асосий жамият шўъба ҳўжалик жамиятининг мажбуриятлари юзасида субсидиар жавобгар бўлади.

14.5. Асосий жамият шўъба ҳўжалик жамияти томонидан муайян ҳаракатлар амалга оширилиши оқибатида унинг банкрот (инқироз) бўлиб қолишини олдиндан била туриб шундай ҳаракатларни амалга ошириши учун шўъба ҳўжалик жамиятига мажбурий кўрсатма берган ва (ёки) шўъба ҳўжалик жамиятининг имкониятидан фойдаланган ҳоллардагина шўъба ҳўжалик жамиятининг банкротлиги (инқироз) асосий жамиятнинг айби билан юз берган ҳисобланади.

14.6. Шўъба хўжалик жамияти акциядорлари(иштирокчилари) асосий жамиятдан унинг айби билан шўъба хўжалик жамиятига етказилган зарарнинг ўрнини қоплатишини талаб қилишга ҳақли. Асосий жамият шўъба хўжалик жамияти томонидан муайян қаракатларни амалга оширилиши оқибатида унинг зарар кўришини олдиндан била туриб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки)имкониятидан шўъба хўжалик жамиятининг шундай қаракатларни амалга ошириши мақсадида фойдаланган ҳолдагина зарар асосий жамиятнинг айби билан етказилган деб ҳисобланади.

14.7. Агар бошқа иштирок этувчи жамият хўжалик жамиятининг овоз берувчи акцияларининг(улушларининг) 20 (йигирма) фоизидан ортиғига эга бўлса, хўжалик жамияти тобе деб эътироф этилади.

XV. Жамиятнинг аффилиланган шахслари.

15.1. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

15.2. Қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланади:

1). Жамиятнинг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортиқ фоиз акцияларга эгалик қилувчи юридик шахслар.

2). Жамиятнинг 20(йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс.

3). Жамият кузатув кенгаши аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс.

4). Жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капитали) 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, уша юридик шахс.

5). Жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс.

6). Жамият устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизга эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс.

7). Жамият кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин қариндош уруғлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс.

8). Жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айни бир шахс ёки унинг қариндош уруғлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

9). Яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг қазан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

10). Жамият директорининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндош уруғлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс.

11). Жамият билан битта хўжалик бирлашмасига қирувчи юридик шахс.

Қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахси бўлган акциядор жисмоний шахсининг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади.

а) Жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) 20(йигирма) фоизи ва ундан ортиқ фоизга эгалик қилса, ўша юридик шахс.

б) Акциядор ёки унинг қариндош уруғлари билан бирга қайси юридик шахс кузатув кенгаши аъзоси бўлса, ўша юридик шахс.

в) Акциядор ёки унинг қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

г) Жамиятда давлатнинг ишончли бошқарувчи ёки акциядорларнинг вакили сифатида иш юритаётган шахсларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

XVI. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.

16.1 Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклларида амалга оширилади.

16.2. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилади.

16.3. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

16.4. Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган ҳисобланади. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларини тугатиш ҳамда зарарларни ўрнини қоплаш тўғрисида ёзма равишда хабардор этишга ҳақли. Бунда:

- Қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай.

- Бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилган ёзма билдириш жамият томонидан юборилган санадан 60 (олтмиш) кундан кечиктирмай.

- Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган жамият қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

16.5. Жамиятни қўшиб юборишда иштирок этаётган юридик шахс қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари шунингдек ҳар бир жамият акцияларини (улушларини) янги юридик шахснинг акцияларига ва ёки улушларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир юридик шахснинг кузатув кенгаши ёки ваколатли органи қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни қўшиб юборишда иштирок этаётган акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади. Янгидан вужудга келаётган юридик шахснинг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади. Жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиблари юридик шахсларнинг қўшиб юбориш шартномасида белгилаб қўйилади. Юридик шахслар қўшиб юборилган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар топшириш далолатномасига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

16.6. Бир ва бир нечта юридик шахс фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилади. Мазкур юридик шахслар акциядорларининг (иштирокчиларининг) қўшма умумий йиғилиши юридик шахснинг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Юридик шахслар акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада белгиланади. Бир юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинаётганда юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ қўшиб олаётган юридик шахсга ўтади.

16.7. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари. Янги юридик шахсларни ташкил этаётган юридик шахсларнинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш тартиби ҳақидаги масалаларни акциядорларининг умумий йиғилишида ҳал этиш учун олиб чиқади. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни қайта ташкил этиш, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари тўғрисида қарор қабул қилади. Янгидан ташкил этилаётган ҳар бир юридик шахс акциядорларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ ташкил этилаётган икки ва ундан ортиқ юридик шахсга ўтади.

16.8. Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг фаолиятини тугатмаган ҳолда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир неча юридик шахсни ташкил этиш жамиятни ажратиб чиқариш деб эътироф этилади. Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишда жамиятни кузатув кенгаши жамиятни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш бўйича масалаларни ҳал қилиш учун акциядорларининг умумий йиғилишига олиб чиқади. Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши. Жамиятни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари. Янги юридик шахснинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш имкониятлари ҳамда бундай айирбошлаш тартиби. Тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Жамият таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралиб чиққанда қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

16.9. Жамият мавжуд қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ўтиши мумкин. Бунда жамият кузатув кенгаши жамиятни ўзгартириш тартиби ва шартларини акциядорларининг умумий йиғилишига қўриб чиқиш учун олиб чиқади. Ўзгартирилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни ўзгартириш тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қилиши керак. Жамиятни ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган юридик шахснинг иштирокчилари жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари билан ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан кейин таъсис ҳужжатларини тасдиқлайди ҳамда қонун ҳужжатларига асосан юридик шахсни бошқарув органларини сайлайди (тайинлайди). Жамият ўзгартирилганида унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари сақланиб қолади. Қонун. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинининг қарорларида фаолиятнинг айрим турларини фақат акциядорлик жамияти шаклида амалга оширувчи ташкилотларни ташкил этишга доир талаблар белгиланиши мумкин.

16.10. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмасдан тугатилишига сабаб бўлади. Жамиятни ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда жамият кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссияси тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилиш учун олиб чиқади. Умумий йиғилиш жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчи тайинлаш тўғрисида мавжуд қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Тугатувчи тайинланган пайдан бошлаб жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади. Давлат тугатилаётган жамият акциядори бўлган тақдирда, жамиятни тугатиш комиссияси таъйинланади ва унинг таркибига давлат мулкани бошқариш ваколатли органи вакили қиради. Тугатувчи жамият фаолиятининг тугатиш ҳақида, шунингдек кредиторлар томонидаги талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали эълон беради. Бу муддат эълон берилган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак. Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебитор ҳақларини ундириш чорасини куради. Белгиланган муддатда кредиторлар талаби қондирилгандан сўнг тугатувчи оралик тугатиш балансини тузади. Жамият мол-мулки таркибининг аниқлайди ва умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади. Тугатувчи жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан зарур тадбирларни қонун асосида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади. Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугатилгандан сўнг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидача тақсимланади:

-Биринчи навбатда қайтариб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича.

-Иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини.

-Учунчи навбатда жамиятнинг мол-мулкани оддий акция эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлайди.

16.11. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритгандан сўнг жамият тугатилган ва ўз фаолиятини якунлаган ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилингандан кейингина киритади.

XVII. Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот.

17.1. Жамият Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни бухгалтерия ҳисобини юритиш миллий стандартлари асосида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тегишли органларга топшириши шарт.

17.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисоботларни ва молиявий ҳисоботлар, шунингдек расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органи зиммасига юклатилади.

17.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоб варақларидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

17.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамият қузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

XVIII. Жамиятда ҳужжатларни сақлаш.

Жамият ушбу низомга асосан қуйидаги ҳужжатларини:

- 18.1. Жамиятнинг устави (низоми)ни, уставга киритилган белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ғувоҳномани.
- 18.2. Жамиятнинг ўз балансида бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни.
- 18.3. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқарув органи томонидан тасдиқланган ҳужжатларни.
- 18.4. Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси низомини.
- 18.5. Жамиятнинг йиллик ҳисоботлари иловалари билан биргаликда.
- 18.6. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни.
- 18.7. Акциялар эмиссия рисоласини.
- 18.8. Жамият бухгалтерияси ҳисобига доир барча ҳужжатларни.
- 18.9. Тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни.
- 18.10. Жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг қузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарув органи мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият директорининг буйруқларини.
- 18.11. Жамиятнинг аффилиланган шахслар рўйхатини.
- 18.12. Жамият акциядорларининг марказий депозитариядан олган реестрини.
- 18.13. Жамият тафтиш комиссиясининг, ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари ва ҳисоботларини ва назорат қилувчи давлат органларининг текширув далолатномаларини сақлаши шарт.
- 18.14. Жамият молиявий ва ташкилий бошқа ҳужжатларини сақлаши шарт.

XIX. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари.

- 19.1. Давлат акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.
- 19.2. Жамиятнинг ҳўжалик ва бошқа фаолиятига давлат органларининг аралашувиға йўл қўйилмайди. Давлат органларининг қонунга хилоф ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилинади.
- 19.3. Давлат акциядор сифатида бошқа акциядорлар билан бир қаторда ушбу низомда белгиланган тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

XX. Жамиятда низоларни ҳал этиш.

Жамиятни ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши шунингдек жамият акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибларда ҳал этилади.

“Учкўрғон дон маҳсулотлари”
акциядорлик жамияти директори э.в.б.



Signature

Кахаров И.А.

Handwritten text at the top left, possibly a date or reference number.

Handwritten title or header text in the upper middle section.

Main body of handwritten text, appearing as several lines of a letter or report.



Handwritten text in Russian: *получил(а) справку, номер, № 123456789*



Handwritten text: *Итого 123*



Handwritten signature or initials at the bottom left.